O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 9 январь, шанба • № 3 (11.086) • Эркин нархда сотилади

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 январь куни амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Тожикистон республикаси Бош вазири Яҳё Азимов раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, кириб келган янги 1999 йилда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатлари йўналишларини ва бу билан боғлиқ бўлган шарт-шароитларни белгилаб олиш мақсадга мувофиқ эканини қайд этди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик муносабатлари билан боғлиқ масалалар, хусусан, ана шундай алоқалар шартлари, икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов қатнашди.

Қабул маросимида Тожикистон республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Т. Мардонов ҳозир бўлди.

(ЎзА).

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

7 ЯНВАРЬ куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлди. Унинг ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди.

Мажлисда ташкилий масала кўрилди. «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, Президент Ислом Каримов тақдимномасига биноан мазкур комиссия аъзоси, Давлат ва жамият қурилиши академиясининг проректори, профессор Нажмиддин Комилов Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комссияси раиси этиб сайланди. Мажлисда ўтган йиллар мобайнида фуқароларимизнинг тафаккури, ҳуқуқий онги ўзгариб, уларнинг адолат ва қонун устуворлигига бўлган ишончи мустаҳкамланиб бораётгани қайд этилди.

Шу маънода сайловларни мамлакатимиз Конституцияси ва амалдаги қонунлар асосида, демократия тамойилларига риоя этган ҳолда ташкил этиш, сайловчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, бу борада тегишли тушунтириш ишлари олиб бориш, уларга қулай шарт-шароит яратиш Марказий сайлов комиссияси, жойлардаги сайлов округлари ва участкалари олдида турган энг муҳим вазифа экани таъкидланди.

(ЎзА).

Вилоят ҳокимлигида

ҲАМИША-ҲАМРЎЗ ЭСЛАНАР НАВРЎЗ

ИНСОН ҳамиша эзгу ниятлар билан яшайди. Бу унга янги-янги режаларни амалга ошириш йўлида куч-қувват бағишлайди. Куни кеча янги — 1999 йилни ҳар томонлама муносиб кутиб олган вилоят меҳнаткашлари АЁЛЛАР ЙИЛИНИНГ янада баракали ва сермазмун бўлиши учун ҳаракатни бошлаб юбордилар. Вилоят ҳокимининг «Вилоятда Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақида»ги қарори ҳам ана шундай хайрли ишларнинг бири, десак янглишмаймиз.

Вилоятда Наврўз байрамига бунчалик барвақт тайёргарлик кўрилаётганлиги бежиз эмас. Чунки, бу байрам миллий қадриятларимизни, анъаналаримизни ривожлантириш билан биргаликда дўстлик, биродарлик, меҳр-оқибат, эътиқод каби ҳислатларни шакллантиришда ҳам катта ўрин тутади. 1999 йилги Наврўзнинг вилоятимизга хос яна бир хусусияти шундаки, унинг ободончилик, кўкламзорлаштириш ҳамда қурилишлар йили бўлишидир.

Шу йилнинг 6 январь куни вилоят ҳокимлигида умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш вилоят ташкилий қўмитасининг биринчи йиғилишида айнан ана шу мавзулар тўғрисида гап борди. Йиғилишда ташкилий қўмита аъзолари, шаҳар, туман ҳокимларининг муовинлари, бўлим ва бошқармаларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг биринчи муовини, ташкилий қўмита раиси Ҳамидулла Асатов бошқарди.

Йиғилишда Наврўз байрамини ҳар жиҳатдан юқори даражада кутиб олиш ва ўтказиш учун барча зарур чора-тадбирларни кўриш кераклиги таъкидланди. Шу муносабат билан барча бўлим ва бошқармалар, шаҳар, туман ҳокимликлари, корхона, ташкилот, хўжаликлар, жамоат бирлашмалари, уюшма ва концернларга байрамга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш юзасидан бир ҳафталик муддатда тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси юкланди. Бу тадбирлар шундай тузилиши керакки, уларда ҳар бир шаҳар ва туман, корхона ва ташкилотда байрамнинг ўзига хос жиҳатлари ва анъаналари қамраб олинмоғи керак.

Наврўз байрами муносабати билан вилоятда халқ ўйинлари ва қўшиқлари кўрик-танловини ўтказиш, бадиий ҳаваскорлик жамоаларини байрам тадбирларига тайёрлаш, шунингдек, барча ҳудудларда 21 февралдан 21 мартгача ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ўтказиш, Наврўз байрами арафасида топшириладиган қурилиш иншоотлари, айниқса, боғча, мактаб, тиббиёт, соғломлаштириш ва маданият муассасалари қурилишини жадаллаштириш, жойларда уруш ва меҳнат фахрийлари, меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари, қаровчисиз қолган оилалар, ногиронлар ва етим-есирлар ҳолидан хабар олиш, турли хайрия тадбирларини ўтказиш сингари қатор вазифалар қўйилди. Албатта, байрам муносабати билан жойларда савдо ярмаркалари ташкил этиш ҳам назардан четда қолмади.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Зоҳид Солиҳов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Олег Тожиев, вилоят «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик компанияси раиси Толиб Тошпўлатов, «Вилоятсавдо» компанияси бошлиғи Ғайрат Турсунов, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг вилоят бўлими раҳбари Раҳматилла Шералиев, вилоят физкультура ва спорт қўмитаси раиси Баҳром Ғофуров ва бошқаларнинг ахборотлари тингланди.

Йиғилишда Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан ташкилий қўмитанинг иш режаси тасдиқланди ва кўрилган масалалар юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

ҚАРОР ИЖРО ЭТИЛИШИ ШАРТ

МАМЛАКАТИМИЗДА амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади халқимиз фаровонлигини ошириш, аҳоли турмуш тарзини яхшилашдир. Зеро шундай экан, бу мақсадни амалга оширишга қаратилган ҳар қандай қонун, фармон ва қарор ижро этилиши шарт. Уни бажармасликка, суиистеъмол қилишликка бирон бир идора ёки ташкилотнинг, раҳбар ёки масъул шахснинг ҳаққи йўқ. Шунинг учун ҳам уларнинг ижроси назорат қилиб борилади.

Бу ишда масъул бўлган вилоят ҳокимлигининг назорат инспекцияси мунтазам жойларда республика Президентининг фармонлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида қўйилган вазифаларнинг бажарилиши, бу ишда раҳбарларнинг масъулиятини ошириш масалаларини текшириб келмоқда. Кенгашнинг бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг «Вилоятсавдо» компанияси ва вилоят «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик компаниялари тизимида қандай бажарилаётганлиги муҳокама этилди.

Текширишлар шуни кўрсатдики, бу ташкилотлар томонидан вилоят аҳолисига савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, 1998 йилда корхоналардан 122 минг 144 тонна ун, 9621 тонна ўсимлик ёғи, 11 минг 155 тонна шакар, 3006 тонна хўжалик совуни, 1450 тонна гуруч ва бошқа маҳсулотлар келтирилиб, сотувга чиқарилди. Бундан ташқари, аҳоли эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида марказлашмаган ҳолда 4778 тонна ун, 2898 тонна ўсимлик ёғи, 1702 тонна шакар, 2159 тонна макарон, 502 тонна қандолат, 326 тонна гўшт маҳсулотлари келтирилди.

Лекин, шу билан биргаликда, аҳолини саккиз хил турдаги озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлиги ҳам маълум бўлди. Декабрь ойида ўтказилган 205та текширишдан 79тасида турли хил камчиликлар аниқланди. Хусусан, текшириш ўтказилган савдо шахобчаларининг 31тасида сотувда ун, 35тасида ўсимлик ёғи, 26тасида совун ва туз бўлмаган. Бундай камчиликлар, айниқса, Ангрен, Чирчиқ, Бекобод, Оҳангарон шаҳарлари, Бўка, Бекобод, Пскент, Ўртачирчиқ, Оҳангарон туманлари савдо шахобчаларида кўплаб учрамоқда.

Кенгаш йиғилишида «Вилоятсавдо» компанияси, «Вилоятматлуботсавдо» ҳиссадорлик компанияси ва тегишли ҳокимликларга мазкур камчиликларга йўл қўйган шахсларни аниқлаш ва тегишли чора кўриш вазифалари юклатилди. Айни вақтда аҳолини зарур турдаги саккиз хил маҳсулот билан узлуксиз таъминлаш, жойларда Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгилаш топширилди.

Вилоятда бундан буён ҳам республика Президентининг Фармонлари, фармойишлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида қўйилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш, назорат инспекцияси фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида вилоят ҳокимлиги назорат инспекцияси кенгашининг янги таркиби тасдиқланди.

ҲАР БИРИМИЗГА ДАҲЛДОР

КЕЧА вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарларни экспорт қилишни мувофиқлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва «Истеъмол товарларининг айрим турларини олиб келиш ва олиб чиқиб кетишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларининг бажарилишига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда вилоят бошқармалари бошлиқлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, маъмурий идоралар раҳбарлари, ўз-ўзини бошқарув органлари, «Нуроний», «Камолот» жамғармалари вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокими Уммат Мирзақулов бошқарди.

Йиғилишда кун тартибидаги — «Тошкент вилояти ҳудудидан озиқ-овқат маҳсулотларини четга ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги масала юзасидан вилоят божхона бошқармасининг бошлиғи А.Омонбоев маъруза қилди.

Унинг таъкидлашича, ўтган йил мобайнида мамлакатимиз божхона чегаралари орқали ноқонуний равишда товар моддий бойликларни, валюта маблағларини, гиёҳванд моддаларни олиб ўтишга уриниш бўйича 3355 ҳолат аниқланиб, 333,2 миллион сўмлик товарлар ушлаб қолинди.

Нотиқ бажарилган ишлар билан биргаликда ҳали бошқарма тизимидаги божхона, постлар ва пунктлар фаолиятида камчиликлар мавжудлигини айтиб, хўжжатларни расмийлаштиришни тўғри йўлга қўйишга жиддий эътибор бериш зарурлигини, бу борада бошқа маъмурий идоралар билан ҳамкорликда ишлаш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади. Шундагина озиқ-овқат маҳсулотларини четга олиб чиқиб кетишга ҳақиқий тўсиқ қўйилади. Бу борада қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳалла оқсоқоллари, жамоатчилик фаоллари алоҳида ташаббускорлик кўрсатишлари керак.

Йиғилишда сўзга чиққан вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ш.Шорасулов, вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Э.Холматов, вилоят прокурори О.Холматов, Бекобод тумани ҳокими Ғ.Бўрибоев, Тошкент тумани ҳокими Б.Алимов ва бошқалар Президент фармонларини бажариш юзасидан ўз ташкилотлари ва ҳудудларида амалга оширилаётган тадбирлар хусусида гапирдилар. Бундан буён ҳам эл ризқини қийишга интилаётганларга нисбатан муросасиз бўлишларини таъкидладилар.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

МУҲТАШАМ САРОЙДА ШАРАФЛАНДИЛАР

Чирчиқ шаҳридаги технология коллежининг маданият саройида вилоят спортчиларини шарафлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди

Ҳа, бу тадбирнинг бош қаҳрамонлари Бангкокда бўлиб ўтган XIII Осиё ўйинларида ва бошқа йирик халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган вилоятимиз спортчилари ва уларнинг мураббийлари бўлишди. Зеро, улар ўтган 1998 йилда ҳақиқатан ҳам сезиларли ютуқларга эришган эдилар.

XIII Осиё ўйинларининг кундаликларини эсга олайлик. Унда айнан чирчиқлик дзюдочи Андрей Штурбабин мусобақаларнинг учинчи куни мамлакатимизга биринчи медални — бронзани олиб берди. Эшкакчимиз Андрей Шилин эса нафақат Осиёда, балки, жаҳонда эўрлардан бири эканлигини исботлади ва мусобақаларда битта олтин, иккита бронза медалларини олишга муваффақ бўлди. Яна бир чирчиқлик спортчимиз Ирина Лялинанинг маҳоратига ҳам кўпчилик қойил қолди. У аёллар ўртасидаги эшкак эшиш мусобақаларида икки медаль — битта кумуш ва бронза соҳибаси бўлди. Ангренлик енгил атлетикачи Рамил Ганиев, оққўрғонлик полвон Шермуҳаммад Қўзиев ҳам бу ўйинларда муваффақиятли қатнашиб, кумуш медаллар олишди.

Умуман, XIII Осиё ўйинларида вилоятимиздан жами 19 спортчи иштирок этиб, мамлакатимиз спортчилари қўлга киритган 40та медалдан тўққизтасини олиб келишди. Мана шунинг ўзиёқ уларнинг халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилаётганликларини кўрсатди.

Шу ўринда бутун жаҳон ёшлар ўйинининг ғолиби Тошкент туманидан чиққан ёш полвон Дилшод Мансуровнинг муваффақияти тўғрисида ҳам алоҳида тўхталиб ўтсак арзийди. Бу ёш курашчимиз мусобақаларда барча рақибларини доғда қолдириб, Ватанига олтин медаль билан қайтди.

Ана шундай юксак натижаларга эришган спортчиларимизни шарафлашга бағишланган тадбирда сўзга чиққан вилоят ҳокими Уммат Мирзақулов ҳақли равишда «Биз сизлар билан фахрланамиз», деди. Айни вақтда у бундан буён ҳам вилоятимизда физкультура ва спортни янада ривожлантиришга катта эътибор берилажаклигини алоҳида таъкидлади.

Шу куни ғолиб спортчиларимизга ва мураббийларга вилоят ҳокимлигининг махсус совғалари топширилди. Тўкин дастурхон атрофида ўтирган спортчиларимизни вилоятимизнинг етук бадиий ҳаваскорлик жамоалари хонандалари ва рақсчилари ўзларининг дилрабо куй ва қўшиқлари билан хушнуд этдилар.

Ф. ФАТТОҲОВ.

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

ОЙЛИК ИККИ ОЙ ДАВОМ ЭТАДИ

КЕЛАЖАГИМИЗ бўлган соғлом авлод, аввало, оилада, боғча ва мактабда вояга етади, камол топади. Шундай экан, улар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, боғча ва мактабларнинг аҳволидан хабар олиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш биринчи галдаги вазифалардир.

Мамлакатимизда қабул қилинган кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурининг туб негизида ҳам баайни ана шу вазифалар ётади.

Шулардан келиб чиқиб, янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ Тошкент вилоятида вилоят ҳокимининг ташаббуси билан боғча ва мактаб ойлиги эълон қилинди. Бу ойлик икки ой — январь ва февралда давом этади. Мақсад, аввало, ҳокимлар, раҳбарлар эътиборини болалар муассасаларига жалб этиш, иккинчидан, бу масканларнинг қиш кунларида иситилишини таъминлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилгандир.

Шундай қилиб, вилоятимизда хайрли ойлик давом этмоқда. Ўйлаймизки, бу тадбир тарбия ва билим муассасаларининг жамиятимиздаги ўрнини оширишда ўзига хос из қолдиради.

Ўз мухбиримиз.

УЧ ЭГИЗАК — ХУШ ЭГИЗАК

МАРЯМХОН Ўтепова уч эгизакнинг онаси. Ғазалкент шаҳарчасида истиқомат қилувчи бу аёл ва унинг жажжилари саломатлигидан «Соғлом авлод учун» вилоят бўлими ходимлари мунтазам хабар олиб туришади.

Куни кеча «Амбуланс» кўчма шифохона яна шу хонадонда бўлди. Бир ярим ёшли гўдаклар тиббий кўрикдан ўтказилгач, уларнинг ҳар бирига кийим-кечаклар, ширинликлар совға қилинди.

— Оиламизга кўрсатилаётган эътиборидан хурсандман, — деди Марямхон, — вилоят ва туман «Соғлом авлод учун» ходимлари ўтган йилнинг ўзида бир неча марта хонадонимизда бўлишди. Уларга чин дилдан ташаккур!..

Саид АҲМЕДОВ.

ХОРИЖДА ҲАМ БОЗОРИ ЧАҚҚОН

ЎРТАЧИРЧИҚ туманидаги Жанубий Корея билан биргаликда барпо этилган «Кобул-Ўзбек» қўшма корхонаси вилоятимиздаги йирик корхоналардан ҳисобланади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ва уни экспорт қилиш бўйича унга тенг келадиган бошқа қўшма корхона йўқ. Бундай жойларда ишлаб чиқарилаётган жами маҳсулотларнинг салкам ярми «Кобул-Ўзбек» жамоаси ҳиссасига тўғри келади.

Бу ерда тайёрланаётган йигирилган ип ва газламанинг салмоқли қисми чет эллик буюртмачиларга жўнатилмоқда. Биргина ўтган йили корхона маҳсулотларини ўндан зиёд хорижий давлатлар харид қилдилар. Улар орасида Англия, Олмония, Италия, Бельгия, Испания, Корея, Франция, АҚШ ва бошқа мамлакатлар фирмалари бор. Жамоа жорий йилда ҳам чет элга маҳсулотнинг анчагина қисмини экспорт қилишни режалаштирди.

Ҳамид СОБИРОВ.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Пскент тумани «Меҳнат байроғи» газетаси таҳририяти Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг туман бўлими билан ҳамкорликда «Шаҳс, жамият, маънавият» мавзусида танлов эълон қилган эди.

ЯНГИ ЙИЛ арафасида комиссия ҳайъати танловга тақдим этилган йигирмадан зиёд материалларни кўриб чиқиб, ғолибларни аниқлади. «Меҳнат байроғи» газетаси муҳаррири Тўхташ Қосимов маънавият ва маърифат мавзуларида эълон қилинган туркум мақолалари учун биринчи мукофотга (7 минг сўм) муносиб деб топилди.

Туман газетаси саҳифаларида шу мавзуда қатор мақолалар эълон қилган уй бекаси Сайёра Йўлдошева билан «Меҳнат байроғи»нинг махсус мухбири Анвар Аҳмедов иккинчи мукофот (4 минг сўмдан), ўқитувчи Саид Аъзамхўжаев ва кутубхоначи Фотима Облоқулова учинчи мукофотга (2500 сўмдан) сазовор бўлдилар.

Самад ЙЎЛДОШ.

ФОЙДАСИ 130 МИНГ СЎМ

ЯНГИЙЎЛДАГИ автохўжалик ихтирочиларининг изланишлари туфайли ўтган йили ўндан ортиқ техника янгилиги юзага келди.

Тажрибали техника ижодкорларидан Э. Абдурахмонов билан В. Камоловлар ҳамкорликда амалга оширган ихтиронинг самараси салмоқли бўлди. Улар «ГАЗ-24» автомобилининг генераторини «Доган» автомобилига ўрнатиш таклифи билан чиқдилар. Бу ортиқча сарф-харажатни талаб этмаслиги билан ҳам диққатга сазовордир.

Айни вақтда бу янгилик корхонада эҳтиёт қисмлардан унумли фойдаланиш имконини беради. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда шу туфайли автохўжалик йилига 130 минг сўм фойда кўради.

Акбар АЛИЕВ.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

Муносабат

ДЕМОКРАТИЯ: МАСЪУЛИЯТ ВА ФИДОЙИЛИК

ДЕМОКРАТИК ислоҳотларни сифат жиҳатидан янги асосда ва кўламда олиб бориш давримизнинг бош вазифасидир. Бу ўринда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов таъриф берган «Кучли давлатдан кучли жамият сари» ғоясини кенг қамровли равишда амалга ошириш демократик ислоҳотларимиз янги босқичининг мазмунини ташкил қилади. Бу ғоя демократиянинг энг талабчан тамойиллари ва мезонларининг яхлит ҳолатдаги ифодасидир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг ижобий натижаси пировардида кўп жиҳатдан давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги замон демократик тараққиёти талабларига мос келадиган даражада ўрнатилишига боғлиқ. Жаҳон тажрибаси ҳам ўзимизнинг ўтган йиллардаги тажрибамиз ҳам шундан далолат берадики, жамиятда амалга оширилаётган ҳар қандай ислоҳотларнинг, жумладан, сиёсий ислоҳотларнинг ҳам кўзланган ютуқларга эришуви мазкур ислоҳотларни жамият аъзолари томонидан фаол равишдаги қўллаб-қувватланиши орқали юз беради.

Бугунги кунда бизнинг жамиятимизда ечимини кутаётган бир қанча долзарб муаммолар ва вазифалар намоён бўлмоқда. Бу ўринда авваламбор демократик тараққиётимизнинг ҳуқуқий кафолати ва манбаи бўлган Конституциямиз ғояларининг жамиятимизга чуқур сингиб бориши ва жамиятимиз аъзоларининг фаоллик билан конституцион ҳуқуқлардан ва имкониятлардан демократик жараёнларни тезлаштириш учун фойдаланишларидаги сусткашлик ҳолати жиддий қусур бўлиб турганлигини алоҳида таъкидлаш лозимдир. Мазкур масала республикамиз Президентининг Конституциямиз олти йиллиги муносабати билан бўлган тантанали маросимда сўз лаган нутқида ўзининг атрофлича назарий талқинини топди. Президентимиз ушбу муаммонинг тарихий илдизларини ва уларни ечиш йўлларини баён килиб берар эканлар, бу ўринда давлат ва жамият ўртасидаги муносабат масаласида эскича ёндашувлардан бутунлай воз кечиш бугунги ҳаётимизнинг мазмунига айланганлигини алоҳида таъкидладилар. Нутқда айтилганидек, «амалиётда биз кўпроқ эски кайфиятда, яъни кўпроқ давлат манфаатини кўзлаб, давлат манфаатини қўриқлаб иш тутмоқдамиз. Инсон манфаатлари ҳуқуқий тажрибамизда энг юксак ва энг устун қадрият бўлишини барчамизнинг онгимизга сингдириш жуда-жуда оғир кечмоқда».

Жамиятимиз аъзолари онгида ҳозиргача сақланиб келаётган эски тузум сарқитлари ҳақида фикр юритар эканмиз, бу ўринда бир пайтлар хукм сурган тоталитар тузумнинг фақат оқибатинигина эмас, балки унинг моҳиятини ҳам тушуниб етишимиз зарур-дир. Ана шунда мазкур тузумнинг иллатларига барҳам беришимиз, улардан тезроқ қутулишимиз, унга қарши курашишимиз жараёнлари осонроқ кечади. Маълумки, совет империяси даврида ҳукм сурган тоталитаризм тарихда бошқа мамлакатларда бўлгани каби «оддий» тоталитар тузум эмас эди. Балки у ўзининг бутун жиҳатлари билан мураккаб кўринишга эга бўлган мустамлака тоталитаризми эди. Шунинг учун ҳам халқмиз собиқ советлар даврида мана шундай кўринишдаги адолатсиз сиёсий режим асорати остида бўлганлиги ҳолатини алоҳида ҳисобга олиш зарур.

Мустамлака тоталитаризми халқларни асоратга солишнинг энг мукаммал тизими сифатида намоён бўлди. Бунда халқимиз икки томонлама тазйиқ остида қолганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан, мустамлака сиёсати миллий камситиш, туткунликда сақлаб туриш, миллатимизнинг ҳар қандай ўз-ўзини англашга бўлган, мустақилликка бўлган интилишларини зўравонлик билан бостириш вазифасини бажаришга ҳаракат қилган бўлса, мустамлака сиёсатининг тоталитаризм бўлаги эса миллатимизнинг ҳар бир аъзосини энг оддий фуқаролик ҳуқуқларидан ҳам усталик билан маҳрум қилишга интилди.

Эски тузум иллатлари ичида бир пайтлар қизил империя идеологлари оммалаштирган давлатни халқдан, халқни давлатдан бегоналаштириш билан боғлиқ бўлган иллатлар таъсири ва оқибатлари афсуски, ҳали анчагина одамларимиз дунёқарашида, хулқ-атворида намоён бўлиб турибди. Умуман, демократик тараққиётимиз олдида кўндаланг бўлиб турган муаммолар тизимини шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга эски тузумдан онгимизда маълум даражада сақланиб қолаётган давлатга ва жамиятга муносабатларимизда, қарашларимизда тоталитар тузум сарқитларини ўзига хос намоён бўлиши ва уларни бартараф этиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни киритиш мумкин бўлса, иккинчи гуруҳга умуман мамлакатимизда демократик ўзгартиришларни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг ҳозирги босқичдаги вазифаларини ҳал қилиш билан боғлиқ муаммоларни киритиш мумкин. Бу борада давримизнинг энг долзарб вазифаси давлат билан жамиятнинг демократик мезонларга тўлиқ мос келадиган янги тизимини амалда қуриб битиришдан иборат.

Бугунги кунда жамиятимизни сифат жиҳатдан янги ҳолатга ўтиши зарурлиги давримизнинг яна бир муҳим хусусиятидир. Бундан инсон омилининг ўрни ва роли ҳар қачонгидан ҳам аниқроқ ва кучлироқ намоён бўлмоқда. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, оддий инсоний фидокорлик жамиятимиз тараққиётининг етакчи омили бўлиб хизмат қилиши шак-шубҳасиз ҳақиқатдир. Жаҳон мамлакатлари тараққиётидаги мураккаб жараёнлар, воқеликлар тажрибасидан маълумки мамлакат учун оғир бўлган вазиятларда ёки ҳал қилувчи даврларда айнан жамиятнинг энг фидойи, фозил одамлари бутун масъулиятни, оғирликларни елкаларимеҳнати, мавжуд қийинчиликларни енгишдаги сабр-бардоши ётади.

Бугунги кунда бош масала мавжуд имкониятларни ҳар томонлама тўлиқ сафарбар этиш устида бормоқда. Демократик ислоҳотларимизнинг ютуқлари жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси кўнглидаги жамиятни янгилашга интилиш ҳиссининг қарор топиши билан боғлиқдир, десак муболаға бўлмайди.

Кундалик ҳаётимиз тажрибаси ҳар томонлама исбот қилиб турибдики, жамият патенциал имкониятларининг мамлакатимиз ривожига бекаму-кўст сафарбар қилинишигина тараққиётимиз йўлида эски тузум иллатлари сифатида ва бугунги кундаги ижтимоий адолат мезонларини бузилиши сифатида намоён бўлаётган ижтимоий таҳдидларни бартараф этилишининг гарови бўла олади. Бунда мамлакатимиз бугунги куни учун ҳам, унинг келажаги учун ҳам масъулиятни зиммасига олишга қодир бўлган, ўз бахт-саодатини халқининг бахт-саодатга эришуви билан чамбарчас боғлиқ эканлигини англаб етган, демократия ва адолат тушунчаларига қалбидан чуқур жой берган, ўзининг ҳам, юртининг ҳам камолоти учун тинимсиз меҳнат қилувчи ва изланувчи инсонларимизнинг фидокорона фаолияти асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Улуғбек ИДИРОВ,
сиёсий фанлар номзоди.

БИЛМАГАН БИЛИБ ОЛАДИ

СЎНГГИ йилларда пенсиялар миқдори бир неча бор ошганлиги муносабати билан илгари ва ҳозирги пайтда бир хил лавозимларда ишлаган кишилар ўртасида қатор тушунмовчиликлар ҳамон учраб турибди. Улар гоҳо тегишли ташкилотларга хат билан мурожаат қиладилар, гоҳо анчагина вақтларини йўқотиб, ўзларига дахлдор ижтимоий таъминот бўлимларида саволларига жавоб олиш учун навбат кутадилар.

Яқинда ана шу ҳолатни ҳисобга олиб, республика ижтимоий таъминот вазири Баҳодир Умрзоқов ташаббуси билан Тошкент вилояти ҳамда Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи, маълум бир масала бўйича маслаҳатга эҳтиёж сезган пенсионерлар учун семинар-мулоқот уюштирилди.

Мазкур анжуманда иштирок этганлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоблар олдилар. Учрашув чоғида Б. Умрзоқов ойлик маошга, иш стажига қараб пенсия белгилаш, пенсиялар миқдори қайси омилларга боғлиқлиги ҳақида мулоқот қатнашчиларига тушунарли тарзда гапириб берди. Вазир бозор иқтисодиёти шароитида Президентимиз кам таъминланганларни ижтимоий ҳимоялаш борасида амалга ошираётган амалий тадбирлар хусусида алоҳида тўхталди.

— Ҳозир республикамизда 3 миллион 300 минг, Тошкент вилоятида эса 295 минг пенсионер бор. Ҳукуматимиз уларни пенсия билан ўз вақтида таъминлаш борасида мунтазам ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда, — деди вазир учрашув чоғида.

Мазкур анжуманда иштирок этган пенсионерлар бундай мулоқотлар фойдали эканлигини ҳамда кўп нарсаларни бугун билиб олганликларини таъкидладилар. Вазирлик эса бошқа вилоят ва шаҳарларда ҳам ана шундай учрашувлар уюштириб туришни режалаштирди.

Фарҳод ИСМОИЛОВ.

«ЛАЗЗАТ»НИНГ ЛАЗЗАТЛИ ШИРИНЛИКЛАРИ

ЯНГИЙЎЛДАГИ бу қандолатчилик ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятининг маҳсулотлари мамлакатимиз фуқаролари дастурхонини безамоқда. Жамоа қўлидан чиқаётган турли-туман ширинликлар харидоргирлиги билан ажралиб туради, сифати юқори мезонларга жавоб беради. Корхонада ўтган йили 1 миллиард 900 миллион сўмлик 15 минг 500 тонна ҳажмида қандолат маҳсулотлари тайёрланди.

Ҳозирги вақтда ҳар куни 60-70 тонна ширинлик ишлаб чиқарилиб, савдо шохобчаларига жўнатилмоқда. Маҳсулот тури эса ўттиздан ошиб кетди. Жамият ишчи-хизматчилари янги йилнинг дастлабки кунларида ҳам суръатни бўшаштирмай ишлашяпти.



СУРАТЛАРДА: оператор Муқаддас Эшмирзаева ва механик Йўлдош Маҳаматов конвейер ишини назорат қилишяпти (чапда); корхонада тайёрланаётган айрим маҳсулотлар намуналари (ўртада); оператор Дилором Абдураҳимова иш устида (ўнгда).

Умид АҲМЕДОВ олган суратлар.

Долзарб мавзу

ГАЗНИНГ «НОЗИ» БОШ ОҒРИҒИ ЭКАН

ҚИШЛИ-ҚИРОВЛИ, совуқ кунлар бошланди. Бутун борлиқ оппоқ «кўрпа»га бурканди. Албатта, ҳамма нарсанинг ўз мавриди бор. Лекин, қишда аҳолини бир муаммо қийнайди. У ҳам бўлса, уйларнинг яхши иситилмаслиги. Афсуски, бу йил ҳам совуқ кунлар бошланиши биланоқ, «зангори олов» билан иситиладиган уйлар тоб ташлаб юборди. Ҳатто, овқат пишириш, чой қайнатиш ҳам мушкул бўлиб қолди.

Вилоятимизнинг кўпчилик қишлоқ туманлари аҳолиси бундай вазиятдан қийналмоқда. Қиш мавсуми бошланиши билан хонадонларга етказиб берилаётган газнинг камайиб кетиши янгилик эмас, бу муаммога кўп йил бўлди. Ачинарлиси шундаки, у ҳамон ечимини топмаётир, эски ҳаммом — эски тослигича қолмоқда. Наҳотки, уни бартараф этишнинг иложи бўлмаса?! Вилоят газ бирлашмаси, бошқа мутасадди идоралар раҳбарлари аҳоли ташвишига сабаб бўлаётган бу муаммони ҳал қилиш имкониятларини топишда етарли қатъийлик қилмаётганга ўхшайдилар. Акс ҳолда у ҳар йили такрорланавермас эди, албатта.

Қиш ойларида хонадонларда газнинг кўпроқ ишлатилиши табиий ҳолдир. Шуни ҳисобга олиб, олдиндан бунга тайёргарлик кўриш лозим эмасми? Шунга яраша ажратиладиган газ заҳирасини кўпайтиришга эришиш лозим. Бу масалани республиканинг тегишли ташкилотлари олдига қўйиб, ҳал қилиш керак.

Шу вақтгача вилоятимизда газнинг декабрь ойига мўлжалланган ҳажмидан фойдаланиляпти. Январь ойиникини тезроқ олиш лозим.

Яна бир гап. «Зангори олов»ни ўғринча ёқиш масаласи. Ахир, халқ, давлат мулкига кўз олайтираётган бундай кимсаларнинг танобини тортиб қўйишнинг йўлини топиш қийин бўлмаса керак?! Бунинг учун назоратни кучайтириш, кенг жамоатчиликка суяниш, айниқса, маҳалла қўмиталари билан ҳамкорлик қилиш лозим. Шундай йўл билан уларнинг кўзини очиб қўйиш мумкин эмасми?!

Айни вақтда аҳоли ҳам «зангори ёқилғи»дан тежаб-тергаб фойдаланишни ўрганиши керак. Ҳеч кимга сир эмас, айрим хонадонларда иссиқхоналар, тандирлар ва ҳаммомлар ўғринча газ тармоқларига уланган. Улар анча-мунча ёқилғини исроф қилмоқда. Бунинг устига аҳоли газ ҳақини тўла ва вақтида тўламаётгани ҳам газ таъминотида чигалликларга сабаб бўляпти. У ўнларча миллион сўмни ташкил этади. Газ ҳақини вақтида тўлаш ҳам уй-жойларнинг яхши иситилишига ёрдам беришини унутмаслигимиз лозим.

Газ муаммоси бош оғриғи бўлиб қолмаслиги учун тегишли барча чоратадбирларни кўриш вилоятгаз бирлашмаси ва бошқа мутасадди идораларнинг бевосита бурчидир.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ.

ДЕҲҚОН ХУШ КЎРГАН ТЕХНИКА

МАМЛАКАТИМИЗДА етакчи тармоқ — қишлоқ хўжалигини юксалтириш, маҳсулот етиштириш ва унинг сифатини яхшилашга катта эътибор берилмоқда. Хусусан, соҳага илғор техника ва технология жадал олиб кирилаётгани, туманларда машина-трактор парклари фаолият кўрсата бошлагани бунга яққол мисол бўла олади. Зеро, эски техника воситалари билан деҳқон яхши натижага эришиши қийин.

Шарҳ

Кейинги йилларда республикамиз далаларида жаҳоннинг етакчи фирмаларининг ғоят серунум техникаси ишлатила бошланди. Уларнинг аксарияти ўзининг қатор афзалликлари билан деҳқон ишончини қозониб улгурди. Эътиборга молик томони шундаки, четдан олинаётган бундай машина-механизмлар жойлардаги МТПлар ихтиёрига берилаётир. МТПлар эса ўз навбатида хўжаликларга шартнома асосида намунали техника хизмати кўрсатмоқда,

Американинг «Кэйс» фирмаси билан ҳамкорлик айниқса диққатга сазовордир. Мазкур фирма томонидан ишлаб чиқарилаётган турли хил қишлоқ хўжалиги техникаси деҳқонларимизнинг оғирини енгил қилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган МТПларда 1151та «Магнум» ҳайдов трактори, 799та «Кэйс» ғалла ўриш, 192та пахта териш машинаси ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникаси мавжуд.

«Кэйс» комбайнларининг иш унумдорлиги анча юқори. Дарҳақиқат, бундай техниканинг ҳар бири билан 1997 йилда ўртача 708 гектар майдондаги ғалла ўриб-янчиб олинган бўлса, бултур бу кўрсаткич 740 гектардан зиёд бўлди. Айрим вилоятларда «Кэйс»лар билан икки минг гектаргача майдондаги ғалла ўриб олинди. Бошқача айтганда, бултур биргина «Кэйс»лар ёрдамида мавжуд ғаллазорларнинг 70 фоизидаги дон саранжомлаб олинди.

Замонавий қишлоқ хўжалик техникаси МТПларда жамланишининг муҳим жиҳатларидан яна бири шундаки, бу унга комплекс техник хизмат кўрсатиш, мавсумга сифатли тайёрлаш, шунингдек, юқори малакали механизаторлар бригадасини шакллантириш имконини бермоқда. МТПларда қишлоқ хўжалиги техникасини гуруҳларга бўлиб ишлатиш туфайли ғалла ўриш мавсуми 1997 йилда 78 кун давом этган бўлса, бултур бу тадбир 66 иш кунида якунланди. Ғалла нобудгарчилиги камайди. Шунингдек, ерларни такрорий экиш учун тайёрлаш муддатлари анча қисқарди. «Магнум» тракторлари ерни 30-40 сантиметр чуқурликда сифатли шудгорлаб бермоқда.

Бир сўз билан айтганда, «Кэйс» компаниясининг маҳсулоти Ўзбекистон шароитида ўзининг афзалликлари билан шуҳрат топди. Шу боисдан ҳам мазкур фирма билан амалдаги ҳамкорлик борган сари кенгаймоқда. Хусусан, ўзаро келишувга мувофиқ жорий йилда республикамиз деҳқонларига яна мингта «Магнум» ҳайдов трактори, 300та «Кэйс» ғалла ўриш комбайни етказиб берилади. Ҳамкорлик фақат четдан техника келтириш доирасидагина қолиб кетаётгани йўқ. Эътиборли томони шундаки, бундай машина-механизмлар учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар ва уларга тиркаб ишлатиладиган мосламалар ишлаб чиқариш ҳам кенг йўлга қўйилмоқда. «Ўзқишлоқхўжаликмаш-Холдинг» компанияси жорий йилда 300та «Кэйс» пахта териш машинаси, икки мингта «Каменс» русумли двигатель, «Магнум» тракторлари учун 600 дона плуг, 800 та дискли барона ва бошқа кўплаб техникани ишлаб чиқаришни режалаштирган.

Умуман, республикамиз қишлоқ хўжалик машиналари корхоналарининг «Кэйс» билан ҳамкорлиги тобора кенгайиб бораётгани қувончли. Бунинг натижаси ўлароқ, 2000 йилгача бўлган муддатда МТПларга кўплаб пахтачилик ва универсал чопиқ тракторлари етказиб берилади. Бундай тракторлар 30 хилдаги дала юмушини бажара олади. Айтайлик, экиш сеялкасига оддийгина ўзгартириш киритиб бир неча хил уруғни экиш мумкин.

Айни пайтда «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир» давлат-кооператив қўмитаси заводларида «Магнум» ҳайдов тракторлари учун плуглар, чизеллар ва бошқа тиркаб ишлатиладиган мосламалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Ўтган йили МТПларга 12 турдаги ана шундай машина-механизмлар етказиб берилгани бунга мисол бўла олади.

Қишлоқ хўжалиги машиналари, жумладан, «Кэйс» техникасининг бенуқсон ва узлуксиз ишлашини таъминлашда уларга кўрсатиладиган сервис хизмати сифати ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Айни пайтда вилоятлардаги МТПлар ихтиёрида бўлган «Кэйс»ларга «Ўзкэйс-сервис» қўшма корхонаси хизмат кўрсатмоқда. Бугунги кунда жойларда корхонанинг 13та техник маркази ишлаб турибди. Улар юқори малакали мутахассислар билан таъминланган. Мазкур марказларда барча зарур қулайликлар яратилган бўлиб, кўчма хизмат кўрсатиш агрегатлари ҳам мавжуд. Улар техника воситаларига даланинг ўзида хизмат кўрсатиш имкониятига эга.

«Кэйс» замонавийлиги, юқори унумдорлиги билан бирга анча мураккаб ҳамдир. Уларни моҳирона бошқара оладиган малакали механизаторлар ва мутахассислар тайёрлаш долзарб масала ҳисобланади. Бугунги кунда «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир» давлат-кооператив қўмитасининг 4та ўқув маркази, Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаштириш муҳандислиги институти қошидаги ўқув маркази, «Ўзиталматор» қўшма корхонаси ва бошқа ўқув юртларида кадрлар ўқуви ташкил этилган. Қисқа муддат ичида «Кэйс»лар учун 5 минг нафардан зиёд тракторчи ва комбайнчи ҳамда юз нафардан зиёд муҳандис-техник ходим тайёрланди. Улар МТПларда муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Олим НОРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

ЕР УЙҚУДА... УСТАХОНА УЙҒОҚ

БЕКОБОД туманидаги «Деҳқонобод» жамоа хўжалиги деҳконлари 1999 йил мўл ҳосилига пухта замин ҳозирламоқдалар.

БУ ЙИЛ кузги шудгор барвақт тугалланди. Чунки, далаларда 8та «Олтой» ва «Кейс» ҳайдов тракторлари икки даврада унумли ишлатилди. Ҳайдаш олдидан гектарига 150 килограммдан маъданли ўғит сепилди.

Хўжаликда механизаторларнинг унумли ишлашлари, сменадан сўнг дам олишлари учун қулай шароитлар яратиб берилди. Уч маҳал иссиқ овқат, қишки кийим-бош, кўнгилдагидек ётоқхона, етарли ёқилғи, бутловчи қисмлар билан таъминландилар. Кўчма таъмирлаш устахонаси хизматда бўлди.

Айни кунларда кўкламда ишлатиладиган техника ва механизмларни созлашга киришилди.

Турсунали УСМОНОВ.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

Воқеалар тулқинида

● АҚШ МАЪМУРИЯТИ Куба Республикаси билан муносабатларни яхшилаш ниятида. Куни кеча давлат котиби М. Олбрайт ҳар икки мамлакат ўртасида авиация қатновини арзонлаштириш, почта алоқасини яхшилаш ҳамда озиқ-овқат савдосини янги поғонага кўтариш хусусида гапирди.

● КОЛУМБИЯ президенти Андреас Пастрано ҳукуматга қарши қуролли муҳолифатчилар билан барча муаммоларни тинч йўл билан амалга ошириш юзасидан музокаралар бошлади.

● АМЕРИКАНИНГ Миннесота штатидаги шифохонада саломатлигини тиклаётган Урдун подшоҳи Хусайн бин Талал АҚШ президенти Б. Клинтон ҳамда давлат котиби М. Олбрайт билан учрашди. Унда Яқин Шарқдаги вазият масалалари муҳокама этилди.

● ЯПОНИЯ молия вазирлигининг маълумотларига қараганда, 1998 йилнинг декабри охирида мамлакатнинг валюта заҳираси 215,9 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Шу тариқа сўнгги беш йилдан зиёдроқ вақт мобайнида Япония валюта заҳираси бўйича жаҳонда биринчи ўринни эгаллаб келмоқда.

● ОВРУПО Иттифоқи билан амалга оширилаётган иқтисодий алоқалар Хитойга жуда катта фойда келтираётир. Ўтган йилнинг ўн бир ойида ОИ ва ХХР ўртасидаги савдо айланмаси ҳажми 42,32 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

● ЭРОННИНГ таниқли арбобларидан бири Муҳаммад Жаъфар Амириён Олмония ҳукуматидан сиёсий бошпана сўради. У Эрон парламенти фавқулодда қўмитасининг сиёсий маслаҳатчиси эди.

● ЛАОС президенти Кхам Тай Сибхандон Вьетнамга расмий ташриф билан келди. Вьетнам коммунистик партияси бош котиби Ле Кха Вьетнам — Лаос муносабатларининг тобора яхшиланиб бораётганлигини икки ўртада бўлиб ўтган мулоқотларда алоҳида таъкидлади.

● АҚШ Қизил хоч маҳкамасининг раҳбари Элизабет Доул истеъфога чиқди. У 2000 йилда бўладиган президентлик сайловларида давлат бошлиги курсиси учун кураш олиб бориш ниятида. Шу тариқа АҚШ тарихида биринчи марта аёл киши президентлик учун ўз номзодини қўймоқда.

ИШНИ БОШЛАГАН ТАМОМЛАЙДИ

МДҲга аъзо қатор давлатларда яқин келажакда президентлик сайловлари бўлиб ўтади. Грузия Республикаси ҳам бундан истисно эмас. Шу муносабат билан Грузия президенти Эдуард Шеварднадзе куни кеча баёнот бериб, мамлакат тақдирига оид қатор муаммолар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Жумладан, у Абхазия билан ўз республикаси ўртасида ҳамон ечимини топмаётган ихтилофларни охирига етказиш ниятида эканлигини айтди. Унинг фикрича, ҳар бир хайрли ишни бошлаган раҳбар охирига етказиши керак. Абхазия билан Грузия ўртасидаги жанжаллар 1999 йилда интиҳосини топмайди. Агар 2000 йилдаги сайловда мени яна қайтадан президент этиб сайласалар, ўз ниятларимни тўлиқ амалга ошираман, хусусан, Абхазия билан бизнинг ўртамиздаги келишмовчиликлар барҳам топади, деди президент.

Шуни таъкидлаш керакки, 1999 йил январида Эдуард Шеварднадзе 71 ёшга тўлади. Унинг тажрибали сиёсатчи эканлиги маълум. Э. Шеварднадзе Грузия давлат кенгаши раиси, парламент раиси — давлат бошлиғи, собиқ СССРнинг ташқи ишлар вазири лавозимларида ишлаган. 1995 йил ноябрида у Грузия президенти этиб сайланган эди. Ушбу мамлакат қонунларига биноан Э. Шеварднадзе яна бир марта президентлик учун ўз номзодини қўйишга ҳақлидир.

ОРҚАГА ҚАЙТГАН НОМАРД

АЙНИ КУНЛАРДА Чеченистон Республикаси Ичкерияда навбатдаги машмашалар тўзони кўтарила бошланмоқда. Гап шундаки, янги йил кирар-кирмас бош вазир ўринбосари Турпал Отгериев, президент девони раҳбари Апти Баталов, миллий гвардия қўмондони Магомед Ҳамбиевлардан Олий шариат судига шикоят тушди. Улар дала қўмондонларидан бири, «жанжалнинг пири» Шамил Басаевни «президент А. Масҳадов обрўсини тўкканлиги учун» жавобгарликка тортишни талаб қилдилар. Шу билан бирга М. Ҳамбиев, ҳе йўқ, бе йўқ, баралла, Ш. Басаев МДҲ ижрочи котиби Б. Березовскийдан 2 миллион доллар миқдорида пул олганлигини эълон қилди. Ш. Басаев ўз навбатида орқага қайтган номард, деб пингини бузмай турибди. У ҳамон А. Масҳадовни «Чеченистонни Россия Федерацияси таркибига қайтадан киритиш»ликда айбламоқда. Икки ўртадаги қарама-қаршилик, ишқилиб, катта тўполонга айланиб кетмаса бўлгани.

БАРМОҚ — ҚАРМОҚ

1 ЯНВАРДАН Россияда «РФда дактилоскопик давлат рўйҳатидан ўтиш тўғрисида»ги махсус федерал қонун кучга кирди. Хўш, дактилоскопия дегани нима ўзи?

Бу иборанинг тарихи шундай. 1895 йилда Англияда биринчи марта ҳар бир инсоннинг бармоқ излари бошқаникига ўхшамаслиги аниқланган эди. XX асрнинг бошларидан эътиборан қатор мамлакатларда ҳам бу тажриба тамомийлга киритилди.

Бу усул ҳозиргача, асосан, қотиллар, ўғрилар, фирибгарлар, киссавурлар, порахўрлар сингари жиноятчиларга нисбатан қўлланилар эди. Энди Россияда бундай кўргиликка ҳарбийлар, махсус хизмат, ички ишлар, божхона ходимлари, қутқарувчилар, суд ижрочилари, ҳаво кемалари учувчилари, хорижлик одамлар ҳам дучор бўлдилар. Қонун қабул қилинмасдан олдин мамлакатнинг ҳар бир фуқароси ана шу рўйҳатдан ўтиши лозим, деган фикр билдирилган эди. Ҳайрият, бу таклиф амалга ошмади. Эндиликда кучга кирган янги қонундан айримлар мамнун бўлса, айримлар ҳафа бўлмоқда. Чунки, улар бармоқ-қармоқ эканлигини жуда яхши биладилар.

ХИТОЙ ТАЖРИБАСИ

Экиш учун илгари номақбул бўлган тепаликларни ўзлаштириш бўйича Хитой тажрибаси жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари учун муҳим аҳамиятга эга. Аҳолиси ҳаддан ташқари кўплиги ХХРда ғалла, пахта, зайтун ва мева ҳосиллари ҳажмининг ошиши бу масаланинг ижобий ҳал этилиши билан боғлиқдир.

Адирларни кўчириш ишлари катта маблағ сарф қилишни талаб этади. Лекин жойлардаги баъзи ишбилармон раҳбарлар бу масала ечимининг ажойиб йўлини ўйлаб топдилар. Тепаликлар имтиёзли шартлар асосида пишган ғиштни ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланувчи ишбилармонларга ижарага берилди. Шартнома шартларига мувофиқ бундай ижаранинг муддати тепаликнинг уни ўраб турган далалар сатҳи даражасига тушгунга қадар амал қилади. Ўтказилган тадбирлар ўта самарали бўлди.

Бу соҳада Хэнань вилоятининг Сюньхуа қишлоғида катта натижага эришилди. Ғиштни пиширишга мослаштирилган 150та ўтхонанинг қурилиб ишга туширилиши, меъморчилик ишларининг кўпайиши ва яхши иш ҳақи тўланадиган янги иш жойларининг пайдо бўлишига имкон берди. Қисқа вақт ичида катта сарф-харажатсиз яқин атрофда жойлашган тепаликлар йўқ қилиниб, улар эгаллаб турган 200 гектар янги ерлар эса ўзлаштиришга тайёрлаб қўйилди. Бу ерларнинг асосий қисми ғалла экишга, қолгани эса мевали дарахтлар ўтказиш ва балиқ етиштириш учун сув ҳавзаларини барпо этишга ишлатилди.

Шу йилнинг ўзида бу ерлар қишлоққа 50 млн. юан (6 млн. АҚШ долларига яқин) миқдорида қўшимча даромад келтирди. Янги майдонлар ҳисобига ғалла ҳосили ҳажми 750 тоннага ошди.

А. ХЎЖАЕВ,
«Жаҳон» АА,
Пекин.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

➧ ЯНГИ ЙИЛ арафасида Ҳиндистон парламентида катта жанжал кўтарилди. Бунга Андхра-Прадеш шаҳрида антиқа кимошди савдоси бўлиб ўтганлиги сабаб бўлди. Чунки, ўша «бозор»да 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёш аёллар 6-9 минг рупийга сотилган эканлар. Парламент аъзолари Анхдра-Прадеш штатининг валийсини «гунохи азим»да айблаб, дарҳол текширув ўтказиш лозимлигини талаб қилдилар.

➧ ЛИТВАНИНГ Висагинас шаҳрида янги йил кечаси ғаройиб воқеа содир бўлди. Кўча айланиб юрган полициячилар ички юпқа кийимдаги икки яшар боланинг қор уюмларида ўмбалоқ ошиб ўйнаётганлигини кўриб қолдилар. Полициячилар ўртадаги мулоқотдан ҳеч нарса тушунмадилар. Улар болакайни шифохонага олиб бориб топширдилар.

... Эрталаб миршабхонада қўнғироқ жиринглади. Даҳшатга тушган бир аёл тунда боласи йўқолганлигини хабар қилди. Уни миршаблар шифохонага олиб бордилар. Тунги «корбола» ўшаники бўлиб чиқди. Аёл фарзандини бағрига босар экан, ўзи ювингани ғуслхонага кирганида боласининг тўшак либосида кўчага чиқиб кетганлигини гапириб берди.

➧ АНГЛИЯДА фаолият кўрсатадиган минтақавий радиостанция тингловчилари янги йил тонгида эрталабки ярим соатлик эшиттириш ўрнига ярим соат хуррак овозини эшитишга мажбур бўлдилар. Чунки, ёш сухандон микрофонни ўчирмай ухлаб қолган экан.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУШАНБА, 11

«Ўзбекистон» телеканали

Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати билан душанба, 11 январь куни «Ўзбекистон-1» телеканали кўрсатувлари соат 5.00 дан 14.10 гача «Халқаро-4» телеканали орқали намойиш этилади.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Гулгунчалар».
18.25 «Қалқон».
18.40 Волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати.
19.05 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Ришта». Катталар учун мультфильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиқлолим — истиқболим».
21.30 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-фасл. 24-қисм.
22.15 «Янги йил базми». Мусиқий дастур. 1-қисм.
23.00 «Кусто командосининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 11-қисм.
23.50 «Ахборот».
00.20—00.25 Ватан тимсоллари.

Ўз ТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Кувнок учрашув», Мультфомоша).
18.40 «Акл — ёшдамас».
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.30 «Кулгига нима етсин».
19.50, 20.40, 22.30 — Эълонлар.
19.55 «Доктор Финли». Телесериал.
20.45 «Ҳаҳон». Халқаро шарҳ.
21.05 «Сурур».
21.15 «Хонадон».
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Эгиз қўшиқлар».
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.35 Синема. «Алп йигитнинг уйланиши» (Грузия).
23.40 «Эгиз қўшиқлар» (давоми).
00.40 Хайрли тун!

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.20 «Телефакт» (рус тилида).
18.30 «Сен ҳақингда ва сен учун» (ўзбек тилида).
18.40 «Ташналик». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
20.00 «Очиқ дарс».
20.20 «Телефакт» (ўзбек тилида).
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.55 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
22.10 «Спорт-тайм».
22.35 «ДАРАКЧИ».
22.45 «Япония ҳақида ҳикоялар».
23.05 Оҳанглар ва эълонлар.
23.15 Саргузашт фильмлар экрани.
00.45 «Талабларга биноан...».
01.05 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканали

5.00 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5 фасл. 23-қисм.
5.45 Мумтоз мусиқа.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.30 «Таҳлилнома».
8.10—8.30 «Саноат олами».

*

8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Матлубанинг бахти». Фильм-концерт.
9.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.30 «Жаҳон спорти».
9.40 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.00, 12.00, 14.00 — Янгиликлар.
10.05 «Кино янгиликлари».
10.20 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
10.40 «Сехрли шуъла».
11.00 «Куй ва тасвир».
11.20 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
12.05 Кундузги сеанс: «Ой комолаги». Бадиий фильм.
13.30—14.00 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.

*

16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».

*

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

Россия жамоат телевидениеси.
18.45 «Шу ерда ва ҳозир».
19.10 Душанба куни Познер билан. «Ниқобдаги киши» дастури.
19.50 Сериал премьераси. «Бутазордаги хирғойилар».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».

*

21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 170-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Музейга соёҳат».
22.40 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
23.00 «Вести».
23.35 Киносеанс: «Шайтон малойлари». Бадиий фильм.
00.55 «Ахборот»(рус тилида).
01.20 Тунги сеанс: «Асрлар ошо». Бадиий фильм.
03.00—03.05 Тунингиз осуда бўлсин!

СЕШАНБА, 12

«Ўзбекистон» телеканали

5.00 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5 фасл. 24-қисм.
5.45 «Ибратнома».
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.30 «Ахборот».
8.00—8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Тошкент: кеча, бугун ва эртага».

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 Халқаро симфоник мусиқа фестивали.
9.10 «Кусто командосининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 11-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Телевидение ва томошабин».
10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 Кундузги сеанс: «Самсон ва Сонли». Мультфильм.
12.05 «Ўзлигинг номоён қил». Экранда — Тошкент вилояти.

«Умид» намойиш этади:

12.40 «Билимлар байрами».
13.00 «Ҳо, ҳа, ҳо...» Ҳозил, ҳажв, ҳонгома.
13.25—14.00 Эстрада ҳонандалари куйлайди.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Орзули олам бу».
18.30 «Шеър ва шуур».
18.40 «Бинокор».
19.00 «Кўшиқларда қалбим яшайди». Ҳодя Юсупова.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
20.00 «Иктисоднёт чорраҳаларида».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиқлолим — истиқболим».
21.25 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 5 фасл. 25-қисм.
22.10 «Янги йил базми». 2-қисм.
23.50 «Ахборот».
00.20—00.25 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командосининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 11-қисм.
18.35 «Ғазал соғинчи».
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.30 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.45, 20.40, 22.30 — Эълонлар.
19.50 «Доктор Финли». Телесериал.
20.45 «Буюк юрт фарзандимон».
21.00 «Марду майдон».
21.25 «Болалар» гуруҳи — меҳмонимиз.
21.55 «Ёшлар телеканали»да.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.35 Синема. «Жазодан қочиш». Жангари фильм.
00.05 Шарқ эстрадаси.
00.20 Хайрли тун!

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 Болалар учун. «Энди эртак бошланади».
18.30 «Ҳиндистондан салом». Мусиқий тўплам.
18.40 «Ташналик». Телесериал.
19.25, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
20.00 «Янги ой чиққан кеча».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.55 «Суҳбатдош». Публицистик кўрсатув.
22.15 «Бу — джаз».
22.30 «Бешинчи ўлчов».
22.50 «ДАРАКЧИ».
23.00 «Мусиқий сайёра».
23.40 «Морт ва Фил». Мультсериал.
00.05 Оҳанглар ва эълонлар.
00.15 «Кинонигоҳ».
01.55 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00.

*

16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».

*

17.10—18.45 Туркия телевидениеси

*

Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Шу ерда ва ҳозир».
19.10 «Мавзу».
19.50 Сериал премьераси. «Бутазордаги хирғойилар».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».

*

21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 171-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «ТВ IV да немис тўлқини».
22.45 «Касбга назар».
23.00 «Вести».
23.35 Киносеанс: «Маймунлар сайёраси». Бадиий фильм.
01.05 «Ахборот»(рус тилида).
01.30 Тунги сеанс. «Қайсар қизнинг қуйилиши». Бадиий фильм.
02.50—02.55 Тунингиз осуда бўлсин!

ЧОРШАНБА, 13

«Ўзбекистон» телеканали.

5.00 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5 фасл. 25-қисм.
5.45 «Оқ ўроғон оналар».
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.30 «Ахборот».
8.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Отларни ким эгарлайди».
8.10—8.30 «Мусиқа билан сирлашиб». Мусиқий дастур.
8.30 «Меҳр қолуғ».
8.55 «Кинонинг минг бир оломи».
9.15 «Остонаси тиллодан».
9.40 «Кафолат».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.30 «Рокс, Рокс, Рокс...»
10.50 «Дунё адабиёти».

«Умид» намойиш этади:

11.15 «Ҳикматлар хазинаси».
11.35 «Сехрли оҳанглар».
12.05 «Ўзбекистон аскарлари».
12.35—14.00 «Қизлар даврасе».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
18.30 «Қалб гавҳари».
18.45 «Турон қизлари». Спорт дастури.
19.00 «Эл тинчлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Бевосита мулоқот».
21.50 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 5 фасл. 26-қисм.
22.35 «Ватан ҳимояси муқаддас». Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топган куннинг 7 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт. «Туркистон» соройидан олиб кўрсатилади.
23.20 «Кусто командосининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 12-қисм.
00.10 «Ахборот».
00.40—00.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Ўйна, болажон, ўйна». Мультфомоша).
18.40 «Семург». Ўсмирлар учун кўнгилочар дастури.
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.30 Мусиқий клип-антракт.
19.35 «Рокурс».
20.00 Спорт-лотто.
20.10 «Лаззат».
20.25, 22.50 — Эълонлар.
20.30 «Ринг».
20.40 «02» тўлқинида.
20.55 «Спектаклдан сўнг».
21.15 «Зомин фарзандлари».
21.55 «Ёшлар телеканали»да.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 Хит-коллекция.
22.55 Синема. «Елғонни сниклош». Детектив.
00.25 Хайрли тун!

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.30 «Тошналик». Телесериал.
18.55 «Гасанно».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
20.00 «Онагинам».
20.20 Дилором наволар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Саноатлар танлови, ёхуд...», 1-қисм.
21.35 «ДАРАКЧИ».
21.45 «Саноатлар танлови, ёхуд...». 2-қисм.
22.15 «Янги йил марафони».
03.15 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00

*

16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».

*

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

Россия жамоат телевидениеси.
18.45 «Шу ерда ва ҳозир».
19.10 «Инсон ва қонун».
19.50 Сериал премьераси. «Бутазордаги хирғойилар».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».

*

21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 172-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Бу бўстон оро».
22.45 «Шоҳсупа сори йўл». Спорт дастури.
23.00 «Вести».
23.30 «Дурдоналар».
23.55 Киносеанс: «Чангда қолган гул». Бадиий фильм. 1-серия.
01.05 «Ахборот»(рус тилида).
01.30 «Чангда қолган гул». Бадиий фильм. 2-серия.
02.50—02.55 Тунингиз осуда бўлсин!

ПАЙШАНБА, 14

«Ўзбекистон» телеканали

5.00 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5 фасл. 26-қисм.
5.45 «Минг бир воҳа».
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

7.30 «Ахборот».
8.00 «Меҳригиё».
8.20—8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Зардўзлар».

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 Ёш ҳонандалар концерти.
9.10 «Кусто командосининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 12-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.25 «Кодекс».
10.45 Кундузги сеанс. «Вертикал». Бадиий фильм.
12.05 «Олтин тўп». Теннис клуби.

«Умид» намойиш этади: Ватан ҳимоячилари кунига

12.20 «Соғинч саҳнаси».
12.40 «Ўхшаш чеҳралар».
13.20 «Санъат гунчалари».
13.40—14.00 «Ўзбекистон фуқароси».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Инсон — ҳаёт гултожи».
18.25 «Хорита». Халқаро шарҳ.
18.40 «Ажаб саодат эрур...». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, 23.15 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
21.40 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 5 фасл. 27-қисм.
22.30 «Умрим боғишладим созимга, овозимга». Фаттоҳхон Мамадалиев.
23.20 «Ахборот».
23.50—23.55 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командосининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 12-қисм.
18.55 «Мушоира».
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлик формуласи».
19.45, 20.40, 22.50 — Эълонлар.
19.50 «Доктор Финли». Телесериал.
20.45 «Буюк юрт фарзандимон».
21.05 «Иймон».
21.30 Мусиқий лаҳзалар.
21.35 «Бегойим».
21.55 «Ёшлар телеканали»да.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 «Дойче Велле» тақдим этади...
22.55 Синема. «Оқ бўриларр». Саргузашт фильм.
00.25 Хайрли тун!

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.25 «Ривоят».
18.40 «Тошналик». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Ҳонда дўкони».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Оқибат». Телесериал.
21.55 «Тошкент ва тошкентликлар».
22.10 «Билиб қўйган яхши».
22.25 «Саодат калити».
22.45 «ДАРАКЧИ».
22.55 «Тоғпинур юрак». О. Қосимов.
23.20 Яхши кайфият.
23.50 Оҳанглар ва эълонлар.
24.00 Кинонигоҳ.
01.40 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00

*

16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».

*

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

Россия жамоат телевидениеси.
18.45 «Шу ерда ва ҳозир».
19.10 А. Шароповнинг «Арина» дастури.
19.50 Сериал премьераси. «Бутазордаги хирғойилар».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».

*

21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 173-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Спорт-клуб».
22.45 «02» тўлқинида.
23.00 «Вести».
23.35 «Кино сайёраси».
23.55 «Амадей». Бадиий фильм. 1-серия (АҚШ).
01.15 «Ахборот» (рус тилида).
01.40 «Амадей». Бадиий фильм. 2-серия.
02.55—03.00 Тунингиз осуда бўлсин!

ЖУМА, 15

«Ўзбекистон» телеканали

5.00 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5 фасл. 27-қисм.
5.50 «Ибратнома».
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.30 «Ахборот».
8.00 «Зийнат».
8.20—8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Фарғона нафаси».
8.30 «Оламни асранг».
8.55 «Кундуз амакининг қиссолари». Мультсериал.
9.10 «Соз сеҳри». Мусиқий дастур.
9.35 «Жавоҳир».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Муҳаббат дарси».
10.30 Немис тили.
11.00 «Томчи».
11.15 «Мухлис ёхуд қўшиқ изидан...».
11.40 Волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати.
12.05 Кундузги сеанс: «Маҳбубим, озизим, суюклигим, ёлғизим». Бадиий фильм.
13.15 — 14.00 «Зиё». Бадиий-публицистик кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Мультфильм.
18.20 «Рўза — покланиш ойи».
18.30 «Ўтмишдан садолар».
18.45 «Қўз тутарман». Мусиқий дастур.
19.05 «Ислоҳот ва маъсулият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
20.00 «Бороҳо». Телеўйин.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мавзу».
21.50 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 5 фасл. 28-қисм.
22.35 «Ҳушвақт бўлинг». Мусиқий дастур. 1-қисм.
23.20 «Ахборот».

«Мунаввар дунё», Дам олиш дастури!

23.50 «Мангулиқнинг икки қирғоғи». Бадиий фильм.
01.05—01.10 Ватан тимсолари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Эркатой», Мультфомоша).
18.40 «Ислом ва ёшлар».
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.30 «Ҳуқуқ ва бурч».
19.45, 20.40, 22.30 — Эълонлар.
19.45 «Доктор Финли». Телесериал.
20.45 «Ўйна, гулим, ўйна».
21.00 «Автосалтанат».
21.10 Мусиқий лаҳзалар.
21.15 «Азизим».
21.40 «Интерспорт».
21.55 «Ёшлар телеканали»да.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.35 Синема. «Ўн учинчи қаллиқ».
00.05 Шарқ оҳанглари.
00.20 Мунаввар тонг истаб!

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.30 «Жозиба».
18.40 «Ташналик». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
20.00 «Хусусийлаштириш: қадам-қадамда».
20.20 Мусиқий лаҳзалар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Оқибат». Телесериал.
21.55 «Адабий иклим».
22.20 «Ишдаги ишқ...».
22.40 «ДАРАКЧИ».
22.50 Катталар учун эртак.
23.10 «Мусиқий меҳмонхона».
23.30 «Спорт оламида».
23.50 Оҳанглар ва эълонлар.
24.00 «Кинонигоҳ».
01.40 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».

*

17.10—18.45 Туркия телевидениеси

*

Россия жамоат телевидениеси.
18.45 «Янгра, гармонь».
19.15 «Сиҳат-саломатлик».
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».

*

21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 174-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Дил изҳори».
22.45 «Умр».
23.00 «Вести».
23.35 «Оскар» совриндорлари антологияси.
23.50 Кинематограф: «Аччиқ ҳақиқат». Бадиий фильм.
01.20 «Ахборот»(рус тилида).
01.45—01.50 Тунингиз осуда бўлсин!

ШАНБА, 16

«Ўзбекистон» телеканали

5.00 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5 фасл. 28-қисм.
5.45 Мумтоз мусиқа.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.30 «Ахборот».
8.00-8.30 «Эл севган ҳонанда: Собиржон Мўминов».

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.05 «Хатларда — ҳаёт акси».
9.35 «Шоҳрух» клуби.

«Умид» намойиш этади:

9.55 «Мулоҳаза, мунозара, муносабат».
10.15 «Шу Ватанга бордур менинг қарғишим».
10.35 «Алломишлар ҳамиша ғолиб».
10.55 «Армон». Композиция.

*

11.10 «Телевизион миниатюралар театри».
11.50 «Ҳуқуқий жамият сари».
12.15 Кундузги сеанс. «Индинги кун жадвали». Бадиий фильм.
13.35 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
14.05 Ўзбекистон спортининг нуфузи.
14.20—14.50 «Бўстон». Тележурнал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Фламинго».
18.20 «Иқтисод ва биз».
18.40 «Ранглар жилоси».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Оқшом эртаклари».
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.20 «Жаҳон спорти».
20.30

ФАҚАТ БОЛАЛАР УЧУН

БАЙРАМЛАРНИ, айниқса Янги йилни ҳаммадан кўпроқ яхши кўрадиган, ундан шодлик, совға-салом кутадиган ким? Албатта, болалар!

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, вилоят «Соғлом авлод учун», «Болалар» жамғармалари ҳамкорлигида болажонларнинг кўнглини олиш учун пойтахтдаги Ёш томошабинлар театрида байрам томошаларини ташкил этди. Унга вилоятдаги 400га яқин ота-онасиз қолган етим болалар таклиф этилдилар. Жуда қизиқарли ва мазмунли ўтган байрамда болаларга ажойиб совғалар тарқатилди. Уларни вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Хўжаева топширди.

Тадбир сўнгида болалар мириқиб спектакл томоша қилдилар.

Худди шундай тадбир Бўстонлиқ туманидаги 125-ногиронлар мактаб-интернатида ҳам бўлиб ўтди. Бу ерда 100га яқин болага «Наврўз» ҳайрия жамғармасининг вилоят бўлими ҳамда Оҳангарондаги «Айлин» қўшма корхонаси тақдим этган совғалар топширилди. «Соғлом авлод учун» жамғармасининг вилоят бўлими эса мактаб-интернат учун моддий ёрдам кўрсатди.

Зулҳумор ЖЎРАЕВА.

КЎРГАЗМА ДЎСТЛИК ХИЗМАТИДА

ЎЗБЕКИСТОН Бадиий Академияси аёллар йилига бағишланган тадбирлар дастурини таниқли мусаввир Азиза Маматова шахсий кўргазмасини ташкил этишдан бошлади.

Пойтахтимиздаги Ҳиндистон маданият марказида очилган кўргазмада муаллифнинг тарихий шахслар ва замондошларимиз ҳаётига оид, шунингдек, табиат манзаралари акс эттирилган йигирмата асари намойиш этилмоқда.

Кўплаб республика ва халқаро кўргазмалар, кўрик-танловларнинг иштирокчиси бўлган А. Маматова ижодида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти алоҳида ўрин тутади. Унинг буюк шоир ва саркарданинг болалик йиллари, Ҳиндистондаги фаолиятига доир, умуман бобурийлар сулоласи билан боғлиқ асарлари мухлислар эътиборига сазовор бўлган.

Кўргазма очилишида сўзга чиққанлар Ҳиндистон маданият маркази мамлакатимиз тасвирий санъатини тарғиб этишга муносиб ҳисса қўшаётганини қайд этдилар. Зеро, Бундай кўргазмалар халқларимизни бир-бирларининг маданияти ва санъати билан яқиндан таништиришга, дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

М. ОДИЛОВА, (ЎзА).

ПАРВОН ЖАНГИ

(достон)

(Давоми. Боши ўтган сонда).

Жалолиддин

Бошим қотди, лашкарбоши таклифларидан,
Бир қарорга келолмасдан ҳайрон боқаман.
Мен ҳам ахир яхшиликнинг фарзандиман-ку
Мен ҳам шу юрт чироғини бир кун ёқаман.
Туркон хотун кўзларига тиканак бўлдим,
Ҳар қадамда чиқаберди қаршимдан нетай.
Ёмонликка ёмонликни раво кўрмоқлик
Фикри мени енголмайди, садағанг кетай.
Ўлжа тушган зотдор отни Туркон хотунга
Алмаштир деб Чингизхонга элчи жўнатсам.
Балки менинг яхшилигим тошдек бағрини
Эритарми деган эдим, қалбин қонатсам...
Рад этишди лашкарбоши дўстлар бу ишни,
Султонман деб кесолмадим улар сўзини.
Бир маслаҳат айтинг, дунё кезган одамсиз,
Ҳам отамнинг тотиб кўрган нон-у тузини.
Бу дунёда разолатнинг дами қисқадир,
Шафоатдир қудратимнинг асил билаги.
Менга зафар туғин берган Оллоҳим ўзи,
Менга далда берган элнинг орзу тилаги.
Босқинчига юрт бўлмайди, юрт эгаси бор,
Қилич тақиб келган кетар қиличсиз бугун.
Султон бўлсам нима бўпти, мен ахир инсон,
Нега мени тушунишмас, бу кўнглим учун...

Насавий

На чора бор, лашкарбоши дунёси бўлак,
Улар учун бир ўйиндир, балки бу мақсад.
Аммо лекин ушбу сабаб қудратингизга
Ўз соясин солмаслиги керакдир ҳасад.

Жалолиддин

Пирим, бирон йўлни аниқ кўрсатинг менга,
Токи икки йўлнинг боши бирга туташсин.
Юрт тақдири аро йўлда топмасин завол,
Қўшин менга сўнг ишониб хизмат ўтасин.

Насавий

Марҳаматли эй Султоним, бекорга сизни
«Саховатли Жалолиддин» дея аташмас.
Лекин етти ўлчаб сўнгра қадам босган зот
Оллоҳимнинг йўлларидан сира адашмас.
Чингизхондан таклиф ўтмас, тулкидек айёр...
Сўнгра эса Туркон хотун рози бўлмайди.
Яхшиликни тушунмайди ҳамма ҳам бирдек,
Қолаберса дўстларингиз кўнгли тўлмайди.
Маслаҳатим, сиз ўзингиз шу отни мининг,
Ёниб кетсин Чингизхоннинг қисиқ кўзлари.
«Энг тўғри йўл — шу йўл» дея лашкарбошилар
Бир хулоса чиқаришар кейин ўзлари.

Жалолиддин

Маъқулмикан, бу таклифдан ё бир ишкал излаб
Кетишмасин отларимга қамчилар уриб.
Зотдор от деб шундай кучли, мустаҳкам қўрғон
Ўртасини бойлик ва нафс кетмасин ёриб...

Насавий

Юрт тақдири найзаларнинг учидай ўткир,
Наҳот асос бўлар бу гап қумдай тўзмоққа.
Маъқул бўлар, улар яна сафингиздадир,
Ҳаққингиз йўқ, садоқатдан кўнгил узмоққа.

Ушбу таклифни эртага эрталаб лашкарбошиларга етказишни Шахобиддин Насавийга топшириб, Жалолиддин уни кузатиш учун қароргоҳдан чиқди. Кўкда юлдузлар гужғон. Чор атрофга ёқилган гулханларга термулиб узоқ туриб қолди. Шамол аста кучайиб, юлдузлар юзига кулранг булутларни торта бошлади. Эти жунжиккандек бўлди. Ҳордиқ ёзиш учун қароргоҳга қайтиб кирди.

Тонг отиб, ўрнидан турган Жалолиддин қаршисида турган эшик оғасини кўриб ҳайрон бўлди.

Жалолиддин

Хўш нима гап, рангинг ўчган, ағёр босдими,
Ё тушингда босинқираб келдингми, оға.

Эшик оғаси

(довдираб)

Насавийдан... таклифингиз... эшитган зоҳот
Тўп-тўп бўлиб, от солишди ҳув, баланд тоққа.

Жалолиддин

Сен нима деб валдирайсан, тушунтириб айт,
Ёқма менинг юрагимда ғазабнинг ўтин.
Кимлар кетди... қайга кетди... не бўлди ўзи,
Ким бошлади, ким дейман, эй, айт, менга отин.

Шу пайт қароргоҳга Шахобиддин Насавий ҳам шошиб кириб келди. Юзлари қизариб кетган, кўзларида алам ёнар эди.

Насавий

О, Султоним, майли менинг қонимни ичинг,
Бир от дея бир тан, бир жон учга бўлинди.
Таклиф билан келган ўша лашкарбошилар,
Ўттиз мингдан жангчи олиб йўлга отланди.

Жалолиддин

От келтиринг тезда менга, йўлдан қайтарай
Манфаатлар юрт йўлига бўлмасин занжир.

Насавий

Жуда тўғри ўйладингиз, улуғ Султоним
Сизнинг ўткир бир сўзингиз зарурдир ҳозир.

Жалолиддин Мангуберди отни учиртириб тоғ йўлига кетди. Лашкарбошилар олдидан қирқиб чиқди. Унинг ҳузурига Сайфиддин Аҳроқ, Аъзам Малик ва Музаффар Малик бирин-кетин пешвоз чиқиб келишди.

Жалолиддин

Йўлдан қайтинг биродарлар, туз ҳаққи қайтинг,
Шу элнинг сиз мардларисиз, мард —
эл тарафдир.
Битта отнинг оёғидан қиммат озодлик,
Шу юрт учун жон тикмоқлик номус, шарафдир.
Лочинларим, она тупроқ изимизга зор,
Унинг кўкси тоғдай баланд, мардлари билан.
Марднинг умри узун бўлар, мардлиги қадар,
Босқинчини енгай деган шартлари билан.

Сайфиддин Аҳроқ

Юрт деб, яна мард деб бизни йўлдан
қайтарманг,
Ҳар бир қилган жасоратда яшар манфаат.
Гап шундаки, икки бўлди айтган сўзимиз,
Демак, бизга сиз қилмайсиз энди шафоат...

Аъзам Малик

Қани кетдик, майли тақдир нима атаган,
Йўлимизда қандай ғовлар, кўргилик бўлар.

Музаффар Малик

Энди бутлаб бўлмас синган юракни, Султон,
Ҳар бир инсон бу дунёда ҳақман деб ўйлар.

Улар отларини буриб, қўшинни олға бошлаб, қисмат тоғига кўтарилиб кетишди. Чанг, тўзон ичида қолган Жалолиддин Мангуберди йиғлаб, отнинг жиловини бўш қўйиб, узоқларга қараб, ёниб-бўзлаб келмоқда. Бўғзидан чиққан алам қўзидаги ёшларни ёндириб ўтдек чақнарди.

Қачон бир тан бўлиб, бир жон бўласан,
Элим сен агёрга кўп қон бўласан,
Тоқ-тоқ бўлдинг, қачон жуфт сон бўласан,
Мен йиғласам ким силайди бошимни.
Қачон сабоқ бўлар хато сабоғинг,
Ағёр учун борар-келар табоғинг,
Бойлик деса тушиб кетса қабоғинг,
Мен йиғласам, ким силайди бошимни.
Бармоғимни буксам муштга айланар,
Илдиз қуриб, боғлар даштга айланар,
Тарқоқ эл-ку тайёр гўштга айланар
Мен йиғласам ким силайди бошимни.
Бирлаш элим, туташ элим, тўплангин,
Якка-якка юрмоқни қўй, сафлангин,
Озодликдан лоақал бир хўплагин,
Мен йиғласам, ким силайди бошимни...

Жалолиддин Мангуберди отга қамчи урди. Осмондаги қуёш унинг қанотига кирди. Орадан йиллар ўтди. Мўғуллар қўшинига таслим бўлишни ор билган бу зот дарёга от солиб, нажот соҳилига етди. Унинг остида эса ўша жанжалга сабаб бўлган кўк ёл от бор эди.

Ҳамид НОРҚУЛ.

ҲАММА ХУРСАНД, КЎНГИЛ ЧОҒ

БОЛАЛАР — келажагимиз. «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимдон, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт!» — Юртбошимиз шундай дедилар. Дарҳақиқат, барча эзгу ниятларимиз болаларимизнинг истиқболини порлоқ кўришга қаратилгандир. Инчунун, Қорбобо ва Қорқиз қуршовида Янги йил-байрамини ўтказиш болаларга ўзгача хурсандчилик бахш этади. Ҳар хил ширинлик, ўйинчоқлардан тухфа олиш эса нақадар мароқлидир.

Яқинда Оҳангарон шаҳар болалар кутубхонасида 39 нафар васийликка олинган ҳамда 40 нафар боқувчисиз қолган болаларга Президентимиз совғалари топширилди. Шунингдек, бу тадбирда «Оҳангарондон» ҳиссадорлик жамияти, «Оҳонгароншифер», «Оҳонгаронцемент» корхоналари, вилоят «Болалар» жамғармаси ҳам ўз ҳадялари билан иштирок этдилар.

Суратда: болажонларга вилоят «Болалар» жамғармаси раиси Хушноза Арслонова совғалар улашмоқда.

Умид АҲМЕДОВ олган сурат.

РАҚС САНЪАТИ ЮКСАЛИШДА

РЕСПУБЛИКАМИЗ Президентининг «Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги фармони эълон қилингани ҳамда мазкур ҳужжат асосида «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси ташкил этилганига икки йил тўлди.

«Баҳор», «Лазги», «Зарафшон» ансамбллари, «Тановар» рақс театри негизида вужудга келган ташкилот ана шу вақт мобайнида талайгина ижодий муваффақиятларга эришди. Аввало, барча вилоятларда унинг бўлимлари тузилиб, истеъдодли кадрлар билан таъминланди.

«Ўзбекрақс» тузилганда унинг миллий рақс санъатини янада ривожлантириш ва жаҳонга кенг танитиш мақсади қўйилган эди. Бу борада ҳозирданоқ муайян ютуқларга эришилди. Францияда — ЮНЕСКО қароргоҳида ўтказилган ва мамлакатимиз тарихи билан боғлиқ тадбирларда, Германияда бўлган Ўзбекистон кунларида, Самарқанддаги «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида, рақс ансамбларининг Туркия ва Белгиядаги халқаро фестивалларида ўзбек рақс санъати мухлисларни ўзига ром этди. «Баҳор» ва Андижон бўлимига қарашли «Сумалак» рақс ансамбларининг Японияга сафари чоғида миллий санъатимиз шуҳрати янада ортди.

Одатда бадиий жамоалар концерт дастурларини ҳар беш йилда янгилайди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Юлдуз Исматова бошчилигидаги «Ўзбекрақс»да эса бу масалага ўзгача ёндошилаётир. Бирлашма жамоалари икки йилдаёқ репертуарини ўзгартирди. Мустақиллигимизнинг етти йиллигига бағишлаб «Уайсий» миллий балети, «Аёл қалби», «Меҳринг дилда», «Хива сайли» дастурлари тайёрланди. Бу дастурлар томошабинларга ғоят манзур бўлди.

Истеъдод эгаларини аниқлаш ва уларни тарғиб этишда «Ўзбекрақс» бирлашмаси Маданият ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказаётган Мукаррама Турғунбоева номидаги республика ёш раққосалар танловининг хизмати катта бўлмоқда.

Айни кунларда болалар учун арча байрами ўтказаётган бирлашманинг «Баҳор» концерт зали ўзгача кўринишга эга бўлди. Катта саҳна махсус қурилма, замонавий техника воситалари ва ёритгич асбоблар, овоз кучайтиргичлар билан жиҳозланди.

— Устоз санъаткорлар яратган ва қадимдан ижро этиб келинган мумтоз рақсларни сақлаб қолиш ва уларни келажак авлодга етказиш мақсадида янги «Етти гўзал» ансамблини ташкил этяпмиз, — дейди бирлашма бош директори Ю. Исматова. — Зеро, якка рақс ва унинг ижрочилари ҳамиша эъзозлаб келинган. Янги дастамизга мамлакатимизнинг кўзга кўринган етук раққосалари, асосан, ёш раққосалар танлови ғолиблари жалб этилади.

Б. МАНСУРОВ, ЎзА мухбири.

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

Шарҳловчи минбари

ФУТБОЛ ОЛАМИДАГИ ЯНГИ ШОВ-ШУВ

СЎНГГИ вақтларда жаҳон футболи ажабтовур воқеаларни бошдан кечираётир. Маълумки, ўтган йили Европанинг энг кучли клублари иштирокида суперлига ташкил этиш масаласи кўтарилган ва бу катта шов-шувлару баҳсларга сабаб бўлган эди. Энди эса футбол уюшмалари халқаро федерацияси — ФИФА раҳбари Йозеф Блаттер жаҳон биринчиликларини ҳар икки йилда ўтказиш тўғрисидаги режани амалга ошириш ниятида эканлигини маълум қилгач, футбол олами яна бир қалқди.

Йозеф Блаттер яқинда Швейцария газеталаридан бирига берган интервьюсида ўзининг бу мақсадини илк бор ошкор этди. Кейинроқ эса у мазкур режани 2004 йили жорий этишга тайёр экани тўғрисида баёнот берди. ФИФА президентининг фикрича, жаҳон биринчилигини ҳозирги тартибда ўтказиш усули анча эскирган ва бунинг илдизларини 30-йиллардан излаш керак.

Шу ўринда спортнинг энг оммавий тури бўлмиш футбол оламида бундай «инқилоб» ясаш ғояси қандай келиб чиқди, деган савол туғилиши табиий. Маълумки, сўнгги вақтларда жаҳон футболи юксалиш даврини бошдан кечирмоқда. Бу ҳолат, айниқса, Европа ва Африка қитъасида яққол кўзга ташланаётир. Нигерия, Камерун ва Жанубий Корея терма жамоаларининг ўтган жаҳон биринчиликларида қўлга киритган муваффақиятлари бунга мисол бўла олади. Бугунги кунда жаҳон чемпионатларини ҳар икки йилда ўтказиш футболнинг ривожланиш жараёнини янада тезлатиши мумкин. Бунинг устига, бундай биринчиликлар унинг ташкилотчиларига, жумладан, ФИФАга қатта миқдорда даромад келишини ҳам таъминлайди. Бу эса мазкур муассасанинг ўз ишини юқори савияда ташкил этишига, ўз навбатида, ФИФА нуфузини янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Маълумки, бир пайтлар халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ йирик халқаро турнирларда иштирок этган ва ғолиб чиққан шахматчиларга уларни қониқтирадиган даражада ҳақ тўлай олмай қолгач, муқобил халқаро шахмат ташкилоти — профессионал шахматчилар уюшмаси ташкил топган эди. Бу эса амалда жаҳон шахматчиларининг икки гуруҳга бўлиниб кетишига олиб келди. Ўтган йили УЕФАнинг рухсатисиз Европанинг энг кучли футбол клублари иштирокида суперлига ташкил этишга уриниши бўлгани футболда ҳам шундай бўлиниш эҳтимоли мавжуд эканини эслатди.

Кўпчилик футбол мутахассисларининг фикрича, Й. Блаттер ўз ташаббусини амалга ошириш учун Осиё ва Африка футбол федерацияларининг қўллаб-қувватлашларига умид билдирянти. Мазкур қитъа жамоалари учун ўз футболини дунё аҳлига кўз-кўз қилиш сув билан ҳаводек зарур.

Й. Блаттер ўз орзуларини рўёбга чиқаришда Европа футбол уюшмалари иттифоқи — УЕФА тутган ўринга лозим даражада эътибор қаратмаган кўринади. Таассуфки, айнан мана шу ташкилот ФИФА президенти ташаббусини маъқулламаяпти. Бу эса ўйланган режани амалга оширишга энг жиддий тўсиқ бўлиши турган гап. Ёдимизда: ФИФА президентлигига номзод кўрсатилган пайтда Й. Блаттернинг асосий рақиби УЕФА президенти Леннарт Юханссон эди. Дунёнинг ишларини қарангки, бугун Й. Блаттер илгари сурган ғояга қаршилик қилаётганларнинг бошида турган ҳам яна у. Л. Юханссон ФИФА президентининг ушбу таклифи ҳеч ким билан маслаҳатлашилмаганини танқид қилди. Унинг сўзларига қараганда, ушбу таклиф ФИФАнинг ижроия органларига расман тақдим этилмаган.

УЕФА президентининг Й. Блаттерни танқид қилишида ҳам жон бордек кўринади. Чунки жаҳон биринчилигини ўтказиш муддатининг икки баробар қисқариши шундай ҳам жуда тиғиз графикда ишлаётган Европа футбол уюшмалари иттифоқини оғир аҳволга солиб қўяди. Л. Юханссоннинг фикрича, икки йил ичида ҳам қитъа биринчилигида, ҳам жаҳон биринчилигида, ҳам миллий чемпионатларда, ҳам қитъа кубоклари учун беллашувларда иштирок этиш ҳар қандай футболчини толиқтириб қўяди.

Йозеф Блаттернинг ташаббуси футбол оламида турлича акс-садо берди. Масалан, Англиянинг машҳур футболчиси, айни пайтда «Манчестер Юнайтед» клубининг бошқарувчи директори Бобби Чарлтон ФИФА президентининг режасига қарши эканини билдирди. Бу муддатнинг қисқариши мусобақаларнинг обрўйини туширириб юборади, деди таниқли «чарм тўп» устаси.

«Эски дунё»да ФИФА президентининг таклифини қўллаб-қувватловчилар ҳам анчагина. Жумладан, машҳур немис футболчиси Франц Бэккенбауэр ва Италия терма жамоаси бош мураббийси Дино Дзофф Й. Блаттернинг режасини маъқуллади.

Сўнгги маълумотларга қараганда, ФИФА президенти УЕФАнинг тазйики остида ўз режасини 2004 йилдаёқ амалга ошириш фикрига маълум ўзгартишлар киритишга мажбур бўлди. Яъни у жаҳон биринчилигини ҳар икки йилда ўтказиш усулини камида 2008 йилгача жорий этмаслигини маълум қилди. Й. Блаттер ўз қарорини халқаро мусобақалар тақвимини янада синчиклаб қайта ишлаш учун вақт зарур бўлиши ҳамда ФИФАнинг ҳомийлар ва телетрансляторлар олдидаги мажбуриятини бажаришга мажбурлиги билан изоҳлади.

Шунга қарамай, у британиялик журналистлар билан суҳбатда ўз ғоясини қатъий ҳимоя қилиш учун барча имкониятларни ишга солишини айтиб, жумладан, шундай деди:

— Жаҳон биринчилигини тўрт қитъада ўтказиш учун 16 йил керак бўлади. Агар янги усулга ўтсак, бу муддат нақ икки баробарга қисқаради. Бу эса терма жамоаларнинг, биринчи навбатда, Осиё ва Африка қитъаси жамоаларининг ўйин савияси ошишига олиб келади. Биз тез ўзгараётган дунёда яшаяпмиз. Шунинг учун мусобақалар ўтказиш тартибини ҳам қаёт оқими, замонага мослаб боришимиз керак.

Жаҳон биринчилигини ҳар икки йилда ўтказиш режаси, таъкидлаганимиздек, мутахассислар ва футболчилар ўртасида турлича шарҳланмоқда. Бироқ футбол, аввало, мухлислар учунлигини унутмаслик зарур. Зеро, мухлиссиз футбол томошасиз тўй (ёки хўрандасиз ошхона) сингаридир. Йирик мусобақаларнинг қанча кўп ва тез-тез ўтказилиб турилиши футбол ишқибозларига қай даражада маъқул келиши маълум — жаҳон биринчилигининг ҳар икки йилда ўтказилиши мухлисларнинг айни дилидаги иш бўлади.

Анвар КАРИМОВ, ЎзА шарҳловчиси.

«Оққўрғон» ширкатлар бирлашмаси 1999 йил 1 январдан эътиборан тугатилиб, «Оққўрғон» ширкат хўжалигига айлантирилди.

Шу муносабат билан «Оққўрғон» ширкатлар бирлашмаси маъмуриятининг ҳисоб-китоб ишларига дахлдор бўлган ташкилотлар бир ой давомида хўжаликнинг ҳисоб-китоб марказига мурожаат қилишлари мумкин.

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармаси мутасаддиларининг хабар беришларича, 9-13 январь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Айрим ҳудудларда ёғингарчилик бўлиши эҳтимоли бор. Кечалари ва илк саҳарда туман тушиши мумкин.

Ҳарорат кечалари 4 даража совуқ, 0-5 даража илиқ атрофида, кундуз кунлари эса, 7-12 даража илиқ бўлиши кутилади.

Жиноятга жавоб муқаррар

БАЛИҚ ЎРНИГА ЎЗЛАРИ ИЛИНИШДИ

БАХТИЁР катта фойда илинжида «Тошкент денгизи» соҳиллари томон интилди. Аниқроғи, «балиқ ови»га чиқишни режалаштирди. Бундай тадбирни ўтказиш учун ўзига ёрдамчилар излади. Мўмай пул топишга кўмаклашиш учун ҳали вояга етмаган Умид Шодиев ҳамда Иҳрорбек Жўраев сингари ўспиринларни ёнига чақириб:

— Бир иш бор, яхшигина фойда олиш мумкин. Шунга шерик бўлмайсизларми? — деб сўради.

— Иш қийин эмасми? — қизиқишди ёшлар. — Қўлимиздан келармикин? Бировга зараримиз тегмаса, бўлгани!

Хуллас, улар балиқ овига жўнадилар. Дастлаб денгизнинг у ер-бу еридан «ов» қилиб кўришди. Аммо, бирорта ҳам «ўлжа» қўлга киритилавермади. Бундан Бахтиёрнинг хуноби ошди. Натижада унда «янги фикр» уйғонди.

— Шунча йўл юриб келдик. Энди ҳеч вақосиз уйга қайтамизми?

— Нима ҳам қилардик?! Қийналганимиз қолди, холос, — дейишди болалар.

— Йўқ. Қуруқ қайтмаймиз. Бекор тургандан бедор ишла, деганлар. Шу атрофдаги одамлар ўз томорқаларида саримсоқ пиёз экишади. Ҳозир бозорда унинг нархи баланд. Ложи борича вазиятдан унумли фойдаланиш керак. Сен — Иҳрорбек, ташқарида пойлоқчилик қиласан. Умид билан мен қолган ишни дўндирамиз, келишдикми? — асл мақсадга кўчди Бахтиёр.

Ҳаш-паш дегунча кеч кирди. Улар фуқаро Евгений Некешкинга тегишли бўлган дала ҳовлидан 1,5 минг тупга яқин саримсоқпиёз йиғишиб, аввалдан тайёрлаб қўйилган қопларга жойлаштиришди ва... ғойиб бўлишди.

Бели оғриб экин экиш нималигини билмаган ёшлар Пскент шаҳар кўчалари бўйлаб, автобус шохбекати томон олазарак ҳолда боришаётган эди. Шубҳали ҳаракатлар милиция ходимларининг эътиборини тортди. Айби борнинг оёғи қалтирайди, деганларидек, улар ички ишлар бўлими ходимларининг сўров-суриштиришларига бирорта баҳона ҳам топишолмай қолишди. Натижада улар гумондорлар сифатида ушланди.

Худди шу пайтда дала ҳовли эгаси Евгений Некешкин милиция ходимларига хабар бериш учун ҳаракатга тушган эди.

Евгений Некешкин ички ишлар бўлимига келса, ўғрилар аллақачон қўлга олинган экан. Уларнинг бошлиғи Олмалиқ шаҳрида яшовчи Бахтиёр Ёкубов бундан уч йил аввал ҳам судланган экан.

Яқинда Пскент туман судида ушбу жиноий иш кўриб чиқилди. Ғайриқонуний равишда қасддан ўзгалар мулкини ўғирлаганлиги ҳамда такроран жиноятга қўл урганлиги учун Бахтиёр Ёкубов 8 йилга озодликдан маҳрум этилди. Балоғат ёшига етмаган Умид Шодиев ва Иҳрорбек Жўраевлар ҳам ўзларига яраша жазо олдилар.

Маъмур БЕГМАТОВ, Пскент тумани прокурори. Тўхташ ҚОСИМОВ, журналист.

Мирзо Улуғбек туманидаги «OLIMA-BUNYED» хусусий фирмаси банкротга учраганлиги сабабли
ТУГАТИЛАДИ.
Даъволар 12 январь 1999 йил Мирзо Улуғбек тумани ДСИнинг 212-хонасида қабул қилинади. Телефон: 162-17-82.

Яккасарой туманидаги «SHONSHUHRAT» масъулияти чекланган жамияти
ТУГАТИЛАДИ.
Даъволар бир ой давомида қабул қилинади. Қушбеги кўчаси, 20 «А» уй.

Миробод туманидаги «ДВЕ СВЕТЛАНЫ» хусусий фирмаси
ТУГАТИЛАДИ.
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида Хушнуд кўчаси, 25-уйда қабул қилинади.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги «Мирзо Ғолиб» хусусий корхонаси
ТУГАТИЛАДИ.
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида 132-07-04, 132-07-03 рақамли телефонлар бўйича қабул қилинади.

Собир Раҳимов туманидаги хусусий тадбиркор Шавкат Маҳамаджонович Аҳмедов номига берилган йўқолган
ДУМАЛОҚ МУҲР БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-06. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 10.550 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 205 Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 18.30. 1 2 3 4 5 6